

## Бақара сураси, 109-оят

08:20 / 06.11.2017 4577

**Аҳли китоблардан кўплари ўзларига ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўз нафсу ҳаволаридан келиб чиқиб, ҳасад қилиб, иймонли бўлганингиздан кейин сизларни кофир ҳолга қайтаришни истарлар. Бас, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунича афв этинг ва кечириб юборинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир. Бақара 109.**

Ояти каримадан кўриниб турибдики, аҳли китоблар, ҳақиқатни тушуниб етганларидан кейин ўзларича ҳар доим мусулмонларга ҳасад қиладилар.

**«Аҳли китоблардан кўплари ўзларига ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўз нафсу ҳаволаридан келиб чиқиб, ҳасад қилиб, иймонли бўлганингиздан кейин сизларни кофир ҳолга қайтаришни истарлар».**

Ҳасад, хусусан, мусулмонларга қарши ҳасад қилиш уларнинг динларида йўқ, пайғамбарларининг кўрсатмаларида, илоҳий китобларида йўқ.

Оятда мусулмонларга Аллоҳнинг амри келгунча афв этиш, кечиримли бўлишга чақириқ бор.

**«Бас, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунича афв этинг ва кечириб юборинг».**

Бу пасткашларга тенг бўлмасликка, ёмонликка ёмонлик, ҳасадга ҳасад ила жавоб қайтармасдан, муомала қилмасдан, ўзини юқори тутишга чақириқдир. Ушбу жумладаги «Аллоҳнинг амри»дан мурод нималиги ҳақида тафсирчилар турли таъвиллар айтганлар. Баъзилари фатҳ ва ғалаба, баъзилари қиёмат куни, яна бошқалари уруш қилишга рухсат, деганлар. Мақомга қараб, буларнинг ҳар бирини ҳам ишлатса бўлади.

Оятнинг охирида келган

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир» жумласидан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг Ўзи бир чора кўриши муқаррардир.